XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2763,1 минг кишини ташкил қилди ва биринчи чоракда 10400 кишига ёки 1,0 фоизга кўпайди. Шундан, 1784,2 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 978,9 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қилади.

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		шаҳар	***қишлоқ***
Вилоят бўйича:	**2763,1**	**1784,2**	**978,9**
Наманган ш.	614,7	614,7	-
туманлар:			
Мингбулоқ	123,6	42,9	80,7
Косонсой	204,7	123,7	80,9
Наманган	175,3	52,0	123,3
Норин	160,8	73,8	86,9
Поп	215,7	123,6	92,2
Тўрақўрғон	221,5	126,4	95,0
Уйчи	208,5	101,5	107,0
Учқўрғон	168,8	72,4	96,4
Чортоқ	195,3	130,2	65,1
Чуст	260,6	175,6	85,0
Янгиқўрғон	213,6	147,3	66,3

Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлар бўйича аҳоли сони тўғрисида маълумот

(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига, минг киши)



Шунингдек, вилоятдаги жами доимий ахолининг 1402,6 мингтаси эркаклар (жами аҳоли сонининг 50,7 фоизи) ва 1360,5 мингтаси аёлларни (49,3 фоизи) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 371,2 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4098,0 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 862,8 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 812,1 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 74,1 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 166,9 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 278,0 киши тўғри келмоқда.

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		эркак	***Аёл***
Вилоят бўйича	**2763,1**	**1402,6**	**1360,5**
Наманган ш	614,7	316,1	298,6
туманлар:			
Мингбулоқ	123,6	62,8	60,8
Косонсой	204,7	104,3	100,4
Наманган	175,3	89,5	85,8
Норин	160,8	81,9	78,9
Поп	215,7	108,4	107,4
Тўрақўрғон	221,5	111,7	109,7
Уйчи	208,5	104,1	104,4
Учқўрғон	168,8	84,5	84,3
Чортоқ	195,3	97,8	97,5
Чуст	260,6	133,1	127,5
Янгиқўрғон	213,6	108,5	105,1



Аҳолининг табиий ҳаракати
(январь – март ойларида)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й.[1)]	ўсиш, камайиш	2018 й.	2019 й.[1)]
Туғилганлар	12483	13776	1293	18,7	20,3
Ўлганлар	2973	3240	267	4,5	4,8
Табиий ўсиш	9510	10536	1026	14,2	15,5
Никоҳлар	3253	3650	397	4,7	5,4
Ажралишлар	574	673	99	0,9	1,0

[1)] *дастлабки маълумот*

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2019 йилнинг январь–март ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Туғилиш даражаси. 2019 йил январь-мартида туғилганлар сони 13776 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (12483 киши) нисбатан 1293 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 20,3 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (18,7 промилле) нисбатан 1,6 промиллега ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган шаҳрида (21,7 дан 23,2 промиллега) ва Янгиқўрғон (16,9 дан 18,4 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2019 йил январь-мартида ўлганлар сони 3240 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (2973 киши) нисбатан 267 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,8 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-мартида – 4,5 промилле). Ўлганлар сонининг кўпайиши Поп (3,7 дан 4,6 промиллега), Косонсой (3,9 дан 4,4 промиллега), Чуст (4,1 дан 4,5 промиллега), Янгиқўрғон (4,4 дан 4,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 60,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан,6,6 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 3,5 фоизи - бахтсиз ҳодиса заҳарланиш ва жароҳатлардан, ўсимталардан 8,5 фоизи, ҳазм қилиш 5,5 фоизи ва инфекцион паразитлар-1,3 фоизи вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига, фоизда)

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-мартида бир ёшга тўлмаган 189 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 34,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи баъзи инфекцион ва паразитар касалликлардан ва 56,1 фоизи – бошқа касалликлар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йил январь-мартида ФҲДЁ органларида 3650 та никоҳлар ва 673 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан промилледа 5,4 никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 4,7) ва 1,0 ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 0,9) тўғри келади.

2019 йилнинг январь–март ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Вилоят бўйича	**3253**	**3650**	**574**	**673**
Наманган ш	483	482	126	152
туманлар:				
Мингбулоқ	192	211	27	37
Косонсой	202	274	63	40
Наманган	112	165	35	43
Норин	190	250	46	52
Поп	371	362	53	70
Тўрақўрғон	267	277	37	32
Уйчи	263	272	39	53
Учқўрғон	187	267	33	46
Чортоқ	268	262	46	42
Чуст	446	519	33	72
Янгиқўрғон	272	309	36	34

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1403 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1728 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 325 кишига (2018 йилнинг шу даврида - манфий 483 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 242), Тўрақўрғон (манфий 61), Чуст (манфий 73) , Норин (манфий 19) туманларида кузатилди.

2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

минг кишида

	Доимий аҳоли сони		
	2018й.	***2019й.***	***Ўсиш+/-***
Вилоят бўйича	**2708,6**	**2763,1**	**54,5**
Наманган ш	602,3	614,7	12,4
туманлар:			
Мингбулоқ	121	123,6	2,6
Косонсой	200,4	204,7	4,3
Наманган	171,5	175,3	3,8
Норин	157,9	160,8	2,9
Поп	212	215,7	3,7
Тўрақўрғон	217	221,5	4,5
Уйчи	204	208,5	4,5
Учқўрғон	165,7	168,8	3,1
Чортоқ	191,5	195,3	3,8
Чуст	255,9	260,6	4,7
Янгиқўрғон	209,4	213,6	4,2